

# Ҳалқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 21 январь, № 15 (5182) Жума

## МАМЛАКАТ бўйлаб



Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***АНДИЖОН. Булоқбоши туманидаги “Марварид Рухсори” корхонаси модернизация қилиниб, бу ерга хориждан замонавий технологиялар келтирилди.***

### Ризқ-рўз баракаси

Йилига 290 тонна миқдорида қолипли нон ва нон маҳсулотлари тайёрлаш қувватига эга бўлган мазкур лойиҳани амалга ошириш учун 30 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Ўнга яқин янги иш ўрни яратилган корхонада қисқа вақт ичида 25 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрланиб, аҳоли дастурхонига етказиб берилди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Хўжайли туманида навбатдаги меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди.***

### Ёшлар учун меҳнат ярмаркаси

Унда тумандаги корхона, ташкилот ва муассасалар 200 га яқин бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Туман ҳокимлиги, бандликка кўмаклашиш маркази, “Камолот” ЁИҲ ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбирда 150 нафардан зиёд фуқаро ишга йўлланма олди. Уларнинг аксариятини касб-ҳунар коллежларини тамомлаган ёшлар ташкил этгани эътиборлидир.

Ўтган йили туманда 5 марта ана шундай меҳнат ярмаркаси ўтказилиб, 894 нафар киши иш билан таъминланган эди.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***ХОРАЗМ. Қўшкўпир туманидаги Ғазавот қишлоғида тадбиркор Ҳамро Раҳимов томонидан қишлоқ гузари барпо этилди.***

### Кўркам гузарлар файзи

Бу мақсад учун у банк кредити ва ўз маблағи ҳисобидан 500 миллион сўм сарфлади. Ҳозир ушбу мажмуада ошхона, сартарошхона, гўзаллик салони, тикув цехи, автомобилларга хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият кўрсатмоқда. Натижада 10 та иш ўрни яратилди. Келгусида бу ерда қишлоқ ёшларидан яна 20 нафарини иш билан таъминлаш кўзда тутилган.

Эътиборли жиҳати, ўтган йили туманда барча манбалар ҳисобидан 6353 та янги иш ўрни ташкил этилди.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***ҚАШҚАДАРЁ. Яккабоғ туманилик тадбиркор Норхўжа Олимов Хўжаилғор қишлоғида “Микрокредитбанк”нинг 12 миллион сўмлик имтиёзли кредити эвазига иссиқхона ташкил қилди.***

### Банк кўмаги қўл келди

Натижада бу ерда помидор, бодринг, лимон ва бошқа сервитамин маҳсулотлар етиштириш йўлга қўйилди. 5 та иш ўрни яратилган иссиқхонада ўтган қисқа муддатда дастлабки 10 миллион сўмлик маҳсулот аҳоли дастурхонига тортиқ этилди.

Айтиш жоизки, туманда шу каби ўндан ортиқ хусусий тадбиркорларга “Микрокредитбанк” томонидан ажратилган имтиёзли кредитлар асосида 100 сотихдан зиёд майдонда иссиқхоналар қурилиб, 45 га яқин иш ўринлари яратилди.

**А. МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***САМАРҚАНД. Қўшработ туманининг узоқ қишлоқларидан бири — Саксончелда қаровсиз бино ҳашар йўли билан таъмирланиб, барча қулайликларга эга замонавий қишлоқ врачлик пунктига айлантирилди.***

### Олис қишлоқда шифо маскани

100 миллион сўмдан ортиқ маблағ эвазига барпо этилган ушбу саломатлик маскани ҳозир ҳудуддаги 5 мингдан зиёд аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ЯНГИЛАНИШ

**юртимиздаги корхоналарнинг юксалишида ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда**

***Юртимизда ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш, қайта жиҳозлаш, янгиларини бунёд этиш, шунингдек, соҳага инвестиция жалб қилиш ишларига алоҳида эътибор берилаётир. Натижада иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарида ишлаб чиқариш суръатлари жадал ортиб бормоқда.***

**Ислоҳот**

Бугун нафақат шаҳар ва туман марказлари, балки чекка қишлоқларда ҳам замонавий йирик корхоналар иш бошлаб, уларда тайёрланаётган сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар ички ва ташқи бозорда тобора харидоргир бўлиб бораётгани шундан далолат беради.

Боғот туманидаги “Cottontex” қўшма корхонасидаги ижобий ўзгаришлар, янгиланишлар бунга яққол мисол бўла олади. Дастлаб мазкур корхона трикотаж-тикувчилик фабрикаси сифатида фаолият бошлаган бўлса, кўп ўтмай, калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилди. Германия, Швейцария ва бошқа давлатлардан 1 миллион 200 минг АҚШ долларилик замонавий дастгоҳлар келтириб ўрнатилди. Мавжуд цехлар замонавийлаштирилди. Қарабсизки, тез орада корхона қайта оёққа турди.

(Давоми 2-бетда).



**СУРАТДА:** корхона ишчиси Мақсуда Раҳимова.

## ЙЎЛЛАРИМИЗ ЖАҲОНГА ТУТАШМОҚДА

***Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ йўлсозликни ривожлантиришга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Сабаби, республикамиз халқ хўжалиги юкларининг 80 фоизи, йўловчи ташиш хизматининг 85 фоизи автомобиль транспорти соҳасига тўғри келади. Шу жиҳатдан қараганда, замонавий магистраль йўлларнинг барпо этилиши иқтисодиётимизнинг янада равнақ топишида муҳим аҳамиятга эга.***

Айтиш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 18 августдаги “Андижон — Тошкент — Нукус — Қўнғирот” автомагистрали қурилишини лойиҳалаштириш тўғрисида”ги қарори ана шу хайрли ишни амалга оширишга пухта замин яратди. Негаки, ушбу қарорга кўра, миллий автомагистраль қурилишининг техник-иқтисодий режаси ишлаб чиқилди.

— Айниқса, Президентимизнинг 2009 йил 22 апрелдаги Фармонига мувофиқ, 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган беш йиллик Дастур тасдиқлангани бизни мамнун этди, — дейди “Қорақалпоқавтожол” автомобиль йўлларидан фойдаланиш давлат корхонаси раҳбари Собир Мауленбердиев. — Шу асосда ҳудудимиздан ўтувчи 652 километр узунликдаги автомагистраль йўлни қайта қуриш, йўловчиларга хизмат кўрсатувчи кемпинглар, ёнилғи қуйиш шохобчалари, автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи объектларни барпо этиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, ўтган йили мамлакат аҳамиятига молик ана шу автомагистраль йўлнинг 132 километрлик қисмида қайта қуриш, асфальт ва қувурлар ётқизиш, тупроқ ишларини амалга ошириш учун давлат томонидан 125 миллиард 100 миллион сўм ажратилган бўлса, бугунгача қарийб 50 миллиард 468 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилди. Шу билан бирга, 30 жойда табиий газ, 17 объектда сув қувурлари, 23 минг 730 погонметр электр тармоғи, 1587,3 погонметр темир-бетон қувурлари ҳамда 8 та кўприк қайта қурилди. Ана шу бунёдкорлик ишларида Шимоли-ғарбий халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш, фойдаланиш давлат корхонаси ишчиларининг муносиб ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Гап шундаки, улар томонидан “Ғузор — Бухоро — Нукус — Бейнов” автомагистралининг 866 — 876 километрлик қисмида 25 миллиард 309 миллион сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, бу борадаги режа тўлиқ уддаланди.

**Интилиш**

(Давоми 2-бетда).

## ИМКОН МАВЖУД, ФАОЛЛИК ЗАРУР

***Халқимизда “Йил йилга ўхшамайди”, деган ҳикматомуз гап бор. Бунинг маъноси шуки, ҳар доим ҳам деҳқончилик учун об-ҳаво қулай келавермайди. Масалан, ўтган йилнинг куз фаслида ёғингарчилик меъёрдан кам бўлди, мазкур ҳол жорий йилнинг айнан қиш чилласида ҳам кузатиляпти.***

Аммо бу шундай мураккаб шароитдан чиқиб кетишнинг имконияти йўқ, дегани эмас. Ғалла ҳосилининг тақдири ҳал бўлаётган шу кунларда мутахассислар томонидан берилган тавсияларга амал қилиб, омилкорлик билан иш юритилса, хирмонимиз чўғи баланд бўлиши муқаррар.

**Мўл ҳосил пойдевори**

Тупроқшунос-агрокимё мутахассиси сифатида яхши биламанки, масалан, ноқулай об-ҳаво шароитида ерларнинг намини сақлаш, экиннинг озуқага бўлган талабини қондиришда маҳаллий ўғитнинг нафи, айниқса, беқиёс. Бу усулни фермер хўжалигимиз экин майдонларида қўллаб, тўлиқ ишонч ҳосил қилганмиз. Хусусан, ўтган йили 30 гектар ғаллазорга фақат “шарбат” оқизилиши эвазига нам узоқ сақланди, сув тақчиллиги деярли сезилмади. Натижада гектар ҳисобига 63,8 центнердан буғдой етиштириб, шартномавий мажбуриятни 110 фоизга уддаладик.

(Давоми 2-бетда).

**Ғурур**

***Президентимизнинг 2010 йил 22 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига фуқароларни навбатдаги чақирув ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида”ги қарорига асосан, барча жойларда бўлгани каби Бухоро вилоятида ҳам чақирилувчиларни муддатли ҳарбий хизматга жўнатиш тадбирига тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.***

## МУҚАДДАС БУРЧ

— Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 20 ноябрдаги “Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига кўра, муддатли ҳарбий хизматга чақирув йилига бир марта — февраль-март ойларида амалга оширилмоқда, — дейди вилоят мудофаа ишлари бошқармаси масъул ходими, майор Фазлиддин Бегимов. — Мазкур ҳужжат чақирув сифати ва самарадорлигини юксалтиришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

(Давоми 2-бетда).

***Республикамиз қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар изчил амалга оширилаётгани натижасида юртимизда озиқ-овқат таъминотида барқарорликка эришилиб, саноатни хом ашё билан узлуксиз таъминлаш, қишлоқда турмуш фаровонлигини юксалтириш, иш ўринлари яратиш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш ва қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини янада яхшилаш борасида муайян ютуқлар қўлга киритилаётир.***

## ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

**Уни такомиллаштириш соҳа ривожининг муҳим шартидир.**

Яқинда қўмитамиз ҳамда ЎзЛиДеП фракцияси томонидан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг фермерликни ривожлантириш, аграр соҳани модернизация қилиш борасидаги давлат дастурлари ижроси юзасидан ахборотига бағишланган парламент эшитувида ҳам бу алоҳида эътироф этилди.

Юртимизда бундай улкан ишни муваффақиятли амалга ошириш учун, аввало, соҳанинг ҳуқуқий асосларини яратишга муҳим эътибор қаратилганлигини қайд этиш зарур. Жумладан, ўтган даврда “Фермер хўжалиги тўғрисида” ва “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди. Айни чоғда бир қатор мақсадли дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилаётир. “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”, 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар ҳамда 2010 йилда иш ўринлари барпо этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш давлат дастурлари ана шулар жумласидандир.

**Парламент эшитуви**

Депутатлар эътиборига ҳавола қилинган қишлоқ ва сув хўжалиги вазири ахборотида келтирилишича, мазкур дастурларда кўзда тутилган вазифаларни рўёбга чиқариш учун Давлат бюджетидан тегишли маблағлар мунтазам йўналтирилиб борилаётир. Жумладан, сув хўжалиги ташкилотларига 2010 йилда шу мақсадлар учун 826,3 миллиард сўм ажратилди. Умуман, 2004 — 2010 йилларда сув хўжалиги тизимини модернизация қилиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув иншоотлари қуриш каби тадбирларга қарийб 5 триллион сўм маблағ сарфланди. Бундай эътибор ва саъй-ҳаракатлар туфайли фермер хўжаликлари тобора ривожланиб, уларнинг ишлаб чиқаришдаги улуши йил сайин ортиб бормоқда. Мамлакатимизда пахта ҳосилдорлиги ўтган йили 2003 йилдагига нисбатан 4,9, ғалла ҳосилдорлиги эса 9,5 центнерга кўпайгани бунга яққол мисол бўла олади.

Фермер хўжаликларининг аҳолини иш билан таъминлаш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришдаги аҳамияти ортиб бораётгани ҳам қувонарлидир. Бугунги кунда юртимизда фаолият юритаётган 80 мингдан зиёд фермер хўжаликларида 1,5 миллион киши меҳнат қилаётгани ва истеъмол бозоридаги озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизи айни шу соҳа ҳиссасига тўғри келаётгани фикримизнинг нечоғли тўғрилигини кўрсатади.

(Давоми 2-бетда).

## ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТ



***Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар туб мазмун-моҳияти билан инсон ва унинг манфаатларини таъминлашга қаратилган. Хусусан, истиқлол йилларида мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари ходимлари меҳнатини эъзозлаш ва рағбатлантиришга давлатимиз томонидан алоҳида аҳамият берилмоқда.***

Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзуидаги маърузасида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, журналистларнинг масъулиятини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш хусусида алоҳида тўхталиб ўтилган эди.

**Тадбир**

Ана шундай юксак эътиборга жавобан айни кунда оммавий ахборот воситалари ва уларда фаолият юритаётган журналистларнинг илғор, ҳозиржавоб ҳамда янгиликка интилувчан куч сифатида намоён бўлиши тақозо этилаётир. Қолаверса, замонавий журналистиканинг юксак ютуқларини оммалаштириш, оммавий ахборот воситалари ходимларининг фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шарт-шароит яратиш ҳамда уларда ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш бугуннинг муҳим талабларидир.

Бевосита Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган “Олтин қалам” Миллий мукофоти учун ўтказилаётган халқаро танлов айни шу мақсадлар рўёбига кенг йўл очмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

## Уни такомиллаштириш соҳа ривожининг муҳим шартидир.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Айтиб ўтилганидек, мазкур соҳанинг жадаллик билан ривожланишида соҳага оид қонунлар, Президентимизнинг Фармон ва қарорлари асосида ишлаб чиқилган Давлат дастурлари муҳим аҳамият касб этаётир. Аммо фермерлик ҳаракатининг ҳуқуқий асосини бугунги кун талаблари асосида такомиллаштиришни давр тақозо этмоқда. Масалан, Президентимизнинг “Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”-ги Фармонида “кейинчалик улар (фермер хўжаликлари) турли шаклдаги кооперацияларга бирлашиш ҳуқуқи билан барпо этилади” деб белгиланган. Ваҳолонки, амалдаги “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонунда тегишли ҳуқуқий норма мавжуд бўлса-да, уни амалга ошириш механизми ишлаб чиқилмаган. Айни чоғда фермер билан ёлланма ходимлар, шу жумладан, унинг оила аъзолари ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар амалдаги қонунчиликка биноан, меҳнат шартномасига асосланади. Лекин фермер хўжаликлари фаолиятида бу нарса ҳали такомилига етмаганлиги кўзга ташланади.

Парламент эшитувида фермер хўжалигини янада ривожлантиришга доир бошқа долзарб вазифалар хусусида ҳам сўз юритилди. Жумладан, аҳоли, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари қарамоғидаги чорвага озуқа етиштириб бериш масаласи бугунги кунда ўз ечимини кутаётир. Тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган ишларни янада такомиллаштириш ҳамда уни мунтазам мониторинг қилиб бориш, бу борада давлат ҳокимият органлари ваколатларига оид ҳуқуқий нормаларни янада мустаҳкамлаш ҳам ана шундай вазифалар сирасига киради.

Бугунги кунда фермер хўжаликларининг самарали фаолият юритиши уларнинг молиявий-иқтисодий барқарорлигига ҳам боғлиқ. Шу боисдан мазкур йўналишда амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш зарурати мавжуд.

Тадбирда соҳа мутахассислари ҳамда олимлар “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонунни янада маромига етказиш бўйича ўз таклифларини билдиришди. Жумладан, фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантириш, уларнинг иқтисодий асосларини кучайтириш, экспорт ва импорт салоҳиятини ошириш зарур. Бунинг учун фермер хўжаликларига инновацияларни татбиқ этиш, таълим муассасалари билан ҳамкорликни кучайтиришга оид ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқиш лозим.

Озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлашга доир қонунчиликни такомиллаштириш ҳам қонун ижодкорлари олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади. Чунки ҳозир озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини назорат қилувчи яхлит тизим шаклланмаган. Табиийки, ушбу тизимни тўлиқ йўлга қўймасдан туриб, озиқ-овқат хавфсизлиги масаласини узил-кесил ҳал этиш мумкин эмас.

Қўмита йиғилишида сўзга чиққан мутахассислар қишлоқ хўжалиги, хусусан, фермер хўжаликлари учун малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини янада яхшилаш хусусида ҳам таклифларини билдиришди. Бунда, айниқса, “Фан тўғрисида”ги, “Қишлоқ хўжалиги тўғрисида”ги қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш катта аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланди. Зеро, ушбу икки ҳужжат орқали деҳқон хўжаликларига оид бир қанча муаммоларни ҳал этиш мумкин бўлади. Жумладан, деҳқон хўжаликларининг иқтисодий ва моддий-техника базаси янада мустаҳкамланади, улар фойдаланаётган ёки захирадаги ердан қисқа муддатли шартнома асосида фойдаланиш имкони туғилади. Айни чоғда соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш учун шарт-шароит яратилади.

Хулоса қилиб айтганда, фермер хўжаликларининг изчил ривожланиб бориши соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни ҳаётий заруратга айлантирмоқда. Бу қонун ижодкорлиги борасидаги фаолиятимизни янада кучайтиришни тақозо этади. Зеро, ҳуқуқий асоси қанчалик пишиқ бўлса, соҳа шунчалик изчил ривожланади.

**М. ТЕШАБОЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси.**

*Маълумки, 2009 йил 17 апрелда мамлакатимизнинг “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинган эди. Ушбу ҳужжатнинг 25-моддасида иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлиши назарда тутилган. Бироқ шу кунга қадар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда иш берувчи бу меъёрни бажармаганлиги учун маъмурий жавобгарлик белгиланмаган эди.*

# ИШ БЕРУВЧИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИНИ СУҒУРТАЛАШ

## ҳам корхона, ҳам ходимларга фойдалидир

**Қонун кучга кирди**

Олий Мажлис Сенатининг тўртинчи ялпи мажлисида маъқулланган “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун мана шу масалани ҳал этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган янги $49^2$-моддага биноан, иш берувчи ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича мажбуриятини бажармаса, унга жавобгарлик белгиланади. Яъни бунда фуқароларга нисбатан энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солинади.

Амалиётда ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолда содир бўлган бахтсиз ҳодиса, яъни суғурта ҳодисаси натижасида ходим вафот этиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда қонун ҳужжатларида наф олувчиларга ходимнинг олти йиллик ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда бир марталик нафақа тўланади. Марҳумнинг қарамоғидаги шахсларга ҳамда ўқийдиган фарзандларига вояга етгунга қадар ҳар бир ой учун тегишли тартибда маблағ тўлаб борилади. Мисол учун, бахтсиз ҳодиса натижасида ўз соғлиғига зарар етган ходимнинг ўртача иш ҳақи тўрт юз минг сўм деб ҳисобланганда, наф олувчи бир йўла йигирма саккиз миллион саккиз юз минг сўм миқдорда нафақа олади. Табиийки, бундай вазиятларда кичик корхоналар иқтисодий жиҳатдан оғир аҳволга тушиб қолиши мумкин. Шундай экан, иш берувчи моддий аҳволи ёмонлашувининг олдини олиш ва корхонанинг молиявий аҳволини яхшилашда, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари манфаатларини ҳимоя қилишда “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 19 февралдаги қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза қилиш бошқармаси тўғрисида Низом”нинг 8-бандига асосан, ташкилотлар томонидан иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича белгиланган қонун ҳужжатлари талаблари бажарилиши юзасидан назоратни амалга ошириш ҳуқуқи Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Меҳнатни муҳофаза қилиш бошқармаси зиммасига юклатилган.

Маълумки, қонун ҳужжатлари талаблари бажарилиши юзасидан назоратни меҳнат бўйича давлат техник инспекторлари амалга оширади. Шу мақсадда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 255-моддаси иккинчи қисми “меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлик учун, шунингдек иш берувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича мажбуриятини бажармаганлиги учун — меҳнат бўйича давлат техник инспекторлари” деган учинчи хатбоши билан тўлдирилди. Бу билан меҳнат бўйича давлат техник инспекторлари эндиликда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чораси қўллаш ҳуқуқига эга бўлдилар. Улар қонун талабларини бузган шахсларни жаримага тортиш бўйича асослантирилган қарор қабул қилишади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, кодексга киритилган ўзгартиш меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги талабларига риоя қилиш ҳамда уни яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни юксак савияда амалга оширишга хизмат қилади. Айни пайтда иш берувчининг ходимлар олдидаги масъулиятини янада кучайтиради.

**З. ЯКУБОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими.**

## Қисқа сатрларда

**Воқеалар, янгиликлар, хабарлар**

● **АНДИЖОН шаҳрида реклама маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Имидж Принт сервис” корхонасининг муҳташам биноси қад ростлади. Ҳозир 37 киши меҳнат қилаётган ушбу мажмуада замонавий полиграфия технологиялари асосида вилоятдаги саноат корхоналари ва тадбиркорлар буюртмалари бўйича реклама маҳсулотлари тайёрланмоқда.**

● Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети жамоаси ТЎРТКЎЛ туманининг Шўрахон қишлоғидаги 2-сонли умумтаълим мактаби ўқувчиларига замонавий компьютер тўпламларини ҳадя этишди. Эндиликда шўрахонлик ёшлар замонавий ахборот-телекоммуникация воситалари ёрдамида ўз билимларини янада мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлдилар.

● **УРГАНЧ шаҳридаги “Хоразм палас” меҳмонхонасида хоразмлик фермерлар учун ўқув машғулотлари ташкил этилди. Унда қишлоқ мулкдорларига кредит олиш ва солиқдаги имтиёзлар ҳамда бугунги кунда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ҳақида батафсил тушунчалар берилди.**

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ЯНГИЛАНИШ

## юртимиздаги корхоналарнинг юксалишида ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жамоа асосий эътиборни, аввало, маҳсулот сифатини жаҳон талаблари даражасига етказишга қаратди. Натижада унинг маҳсулотларига хорижда ҳам харидорлар кўпайди.

Эътиборлиси, бу ерда ишлаб чиқариш йилдан-йилга ортиб бормоқда. Масалан, 2009 йилда 3 миллиард 160 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрланган бўлса, ўтган йили мазкур кўрсаткич 6 миллиард 223 миллион сўмга етказилди. Экспорт ҳажми 4 миллион 955 минг АҚШ долларидан ортиқни ташкил этди. Ўз навбатида, бундай ижобий ўзгаришлар ишчи-хизматчилар сонининг 100 нафарга етишига сабаб бўлди.

Маълумки, инвестиция жалб этган ҳолда корхонани модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш қувватини ошириш маҳсулот ҳажмини кўпайтирибгина қолмай, сифатини яхшилашнинг ҳам бош омили ҳисобланади. Шу боис корхонага 2009 йилда 1 миллион 45 минг АҚШ доллари миқдорида сармоя киритилиб, ишлаб чиқариш қуввати 1,5 бароварга оширилган эди. Ўтган 2010 йилда ҳам бу борадаги ишлар изчил давом эттирилиб, ҳалқали ип йигирув цехи ташкил этиш учун 1 миллион 500 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб қилинди. Ҳозир янги технологияларни ўрнатиш ва монтаж қилиш ишлари олиб борилмоқда. Эътиборли жиҳати, бу технологик линия ишга туширилгач, корхонада йилига қўшимча 2 минг 500 тонна пахта хом ашёсини қайта ишлаш ҳамда 2 минг 250 тонна ҳалқали калава ип тайёрлаш имконияти юзага келади.

Айни пайтда ўз истиқболли режаларини амалга оширишга киришган корхона жамоаси жорий йилда 10 миллиард сўмликка яқин калава ип ишлаб чиқариб, маҳсулотнинг 80-90 фоизини экспортга чиқаришни мақсад қилган.



**СУРАТДА:** *корхона ишчилари Тўхтагул Мирзаева, Гулайдин Рўзибоева ҳамда смена бошлиғи Жасур Абдурасулов маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқдалар.*

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.**

# ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жорий йилда мамлакатимизда мазкур мукофот учун олтинчи бор танлов ўтказилади. Шу муносабат билан кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида танловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг йиғилиши бўлиб ўтди.

— Мазкур танловга қизиқиш йил сайин ортиб бормоқда, — дейди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда танловни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита раиси Шерзод Ғуломов. — Жумладан, “Олтин қалам” I Миллий мукофоти учун эълон қилинган дастлабки танловда 136 нафар журналист 1669 та ижодий иши билан қатнашган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 451 нафар иштирокчи томонидан тақдим этилган 6700 дан зиёд ижодий ишларни ташкил этди.

Шу ўринда “Олтин қалам” Миллий мукофоти учун ўтказилаётган халқаро танловда мукофотлар миқдори, ғолиблик номинациялари тобора ортиб бораётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Жумладан, жорий йилда телевидение, радио, матбуот, интернет журналистикаси йўналишларида жами 27 та номинация (битта бош миллий мукофот, 12 та асосий ва 14 та рағбатлантирувчи мукофот) бўйича ғолиб ва совриндорларни аниқлаш ҳамда тақдирлаш кўзда тутилган. Танловда хорижлик журналистларнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши муаллифлик материали номинацияси ҳам мавжуд. Шунингдек, 2011 йилда танловнинг мукофот жамғармаси ўтган йилдагига нисбатан 37 миллион сўмга ошиб, қарийб 150 миллион сўмни ташкил этади. Бундан ташқари, БМТ, ЮНЕСКО, Жаҳон банки ва яна бошқа бир қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари томонидан ҳам танлов учун турли мукофотлар таъсис этилган.

Жорий йилда танлов мавзу ва йўналишлар жиҳатидан янада кенг қамров касб этаётир. Бу гал ижодкорлар “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилига бағишланган энг яхши материал учун” деб номланган янги номинация бўйича ҳам тақдирланишади.

Йиғилишда “Олтин қалам” VI Миллий мукофоти танловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркибига ўзгартиришлар киритилди, унинг иш режаси тасдиқланди ва ишчи гуруҳи тузилди.

“Олтин қалам” VI Миллий мукофоти халқаро танлови мукофоти ғолиб ва совриндорларини тантанали тақдирлаш маросими Жаҳон матбуоти эркинлиги куни — 3 майда бўлиб ўтади.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МУҚАДДАС БУРЧ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Айни кунларда белгиланган жадвал асосида қишлоқ ва маҳаллаларда мудофаа ишлари бўлимлари ходимлари чақирилувчилар ҳамда уларнинг ота-оналари билан учрашувлар ўтказишмоқда. Ушбу жараёнда муддатли ҳарбий хизмат ҳамда сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат билан боғлиқ тартиб-қоидалар атрофлича тушунтирилаяпти. Бунга қадар эса режага мувофиқ, Вобкент ва Бухоро шаҳарларида вилоят мудофаа ишлари бошқармаси ходимлари, мутахассис шифокорлар иштирокида кўргазмали ўқув ҳамда услубий машғулотлар ташкил этилди. Олий ва биринчи тоифали врачлардан иборат тиббий комиссия хулосалари олинди. Давлат тест маркази билан биргаликда чақирилувчиларнинг билими, дунёқараши, интеллектуал салоҳияти, шахсий мослашув имконияти ўрганилди. Танлаб олинган йигитларнинг жисмоний ривожланиш даражаси текширилди.

— Бизни хурсанд қилган жиҳат шундаки, — дейди Ф. Бегимов, — ёшларимизнинг аксарияти истиқлол йилларида Қуролли Кучларимизда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар, янгиланишлар мазмун-моҳиятини, армия эртамиз эгалари учун ҳаёт мактабига айланганини яхши билади. Бу эса уларнинг Ватан ҳимоячиси бўлишдек эзгу мақсад йўлидаги интилиши, иштиёқини янада кучайтираяпти. Шу ўринда бир далил келтирмоқчиман. Миллий армиямиз сафларида ўз бурчини ўтаб қайтган бухоролик йигитларнинг 91 нафари жорий ўқув йилида мамлакатимиз ҳарбий олий ўқув юртларига ўқишга кирди. Келгусида улардан малакали офицер кадрлар етишиб чиқишига ишончимиз комил.

— Муддатли ҳарбий хизматга жўнаш тараддудидаман, — дейди ўзини Ғуломжон Саидов деб таништирган йигит. — Юрт олдидаги фарзандлик бурчимни аъло даражада ўташга ҳар томонлама тайёрман. Ота-онам, қишлоқдошларим ишончини, албатта, оқлайман.

Фахр ва ғурур билан айтилган бундай сўзларни бугун ҳар бир чақирилувчидан эшитиш мумкин. Демак, Ватан сарҳадлари ишончли қўлларда, дейишга асосларимиз етарли.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЙЎЛЛАРИМИЗ ЖАҲОНГА ТУТАШМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бундан ташқари, мазкур жараёнда “Трансйўлқурилиш” компаниясининг замонавий йўл қурилиш техникаси фаол қатнашган бўлса, Қўнғирот ва Қонликўл туманларидаги замонавий хориж технологияси билан жиҳозланган корхоналар асфальт-бетон қоришмасини пешма-пеш етказиб беришди.

Маълумки, магистраль йўлларда транспортларнинг юқори тезлигини таъминлаш, жумладан, масофани яқинлаштириш, чорраҳа, айланма, тушиш ва бурилишларни камайтириш бу соҳада сарфланадиган харажатларни қисқартириш имконини беради. Шу мақсадда “Нукус — Хўжайли” автомобиль йўли ҳамда Амударёда замонавий кўприкнинг қурилиши натижасида “Нукус — Тахиатош — Хўжайли” айланма йўли қарийб 20 километрга қисқартирилди. Бугунги кунда мазкур йўлдан кунига 8 минг автомобиль қатнови амалга оширилмоқда. Муҳими, битта автомобиль 20 километрга ўртача 2 литр ёнилғи сарфлашини ҳисобга олсак, бир ойда қанча маблағу қанча бензин тежалишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Мухтасар қилиб айтганда, юртимизда йўлсозлик соҳасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари нафақат масофаларнинг яқин бўлишига, балки аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашга хизмат қилаётир.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ИМКОН МАВЖУД, ФАОЛЛИК ЗАРУР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шуни инобатга олиб, бу йил ҳам ана шу тажриба асосида фаолият юритаяпмиз. Айни чоғда унинг кўп куч ва харажат талаб қилмаслигини бошқа фермерларга ҳам тушунтиришга эътибор қаратаяпмиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бизда маҳаллий ўғит жамғариш масаласида муаммо йўқ. Боиси, чорвачилик фермамизда 56 бош қорамол боқилаяпти. Бу ердан ойига 25 тонна нури чиқади. Бунга қўшимча равишда қишлоғимиздаги паррандачилик билан шуғулланаётган тадбиркорлар ерларимизни озиқлантиришда яқиндан ёрдам беришаётгани нур устига аъло нур бўлмоқда. Қолаверса, хўжалигимизда меҳнат қилаётган 65 нафар ишчи ҳам қараб туришгани йўқ. Хонадонларидаги чорвадан чиққан ўғитни кунда, кунора далага келтиришади. Пировардида ҳозиргача 120 тонна маҳаллий ўғит захирасини яратдик.

Яна бир жиҳатни унутмаслик керак, маҳаллий ўғит фақат ерда намни сақлаб қолмай, балки экин талаб қиладиган азотли, фосфорли ва калийли ўғитга бўлган талабнинг маълум қисмини қоплаши билан ҳам аҳамиятлидир. Шунинг учун ундан оқилона фойдаланиш мақсадида “шарбат” ташувчи мослама ясаганмиз. Трактор тиркамасига ўрнатилган ушбу мослама ёрдамида далага кунига 3-4 марта маҳаллий ўғит чиқарилаяпти. Махсус ҳандақларда сақланадиган мазкур ер малҳами экин суғориш чоғида эгатларга “шарбат” усулида оқизилади. Шу тариқа ҳар гектар экинзорни 10 тоннага яқин маҳаллий ўғит билан озиқлантириш таъминланади.

Бу тадбирнинг самараси ўлароқ, ҳозир 35 гектар майдондаги ғалла майсаларининг ривожи кўнгилдагидек. Шунга қарамасдан, ишчиларимиз қишнинг қировли кунларида ҳам дала бошидан жилгани йўқ. Экинни вақтида озиқлантириш учун эса, ҳатто, қўшимча кучлар ҳам жалб этилган. Зеро, маҳаллий ўғитнинг асосий қисмини шу кунларда ғаллазорларга сепиб олсак, экиннинг туплаши, ўсиш жараёни янада тезлашади. Муҳими, далаларда намликнинг узоқроқ сақланишига имконият яратилади.

Ишни шу йўсинда олиб борсак, ўйлайманки, бу йил ҳам ғалладан баракали ҳосил етиштириб, гектар ҳисобига 70 центнердан сара дон йиғиштириб олишимизга пухта замин яратамиз.

**Неъматилла АБДУРАҲИМОВ,**
**Наманган туманидаги «Абдураҳим бобо» фермер хўжалиги раҳбари.**

## ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БАНКИ:

# РИВОЖЛАНИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ислоҳотларнинг бешта устувор тамойилига таянувчи изчил ижтимоий-иқтисодий сиёсат амалга оширилаётганлиги, инқирозга қарши қабул қилинган бир қанча чора-тадбирлар жаҳоннинг аксарият мамлакатларида кузатилаётган пул қадрсизланишининг кучайиши, ишлаб чиқариш ҳажмлари камайиши, инвестициявий фаоллик пасайиши, аҳолининг турмуш даражаси ёмонлашуви каби салбий омиллар юзага келишининг олди олинди ҳамда давлат иқтисодиёти барқарор ва мувозанатли ривожланишини таъминлади.*

Давлат томонидан қўйилаётган вазифаларни амалга оширишда банк сектори муҳим аҳамиятга эгалиги Президентимизнинг чиқишларида кўп маротаба таъкидланган.

"Миллий" мақомига эга бўлган банкнинг фаолияти давлат иқтисодиётида юз бераётган барча жараёнлар ва ўзгаришлар билан бевосита алоқадор эканлиги табиий ҳол. Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг принциплари ўзгармайди. Яъни у бутун мамлакат иқтисодиётининг ҳам, ҳар бир мижознинг ҳам эҳтиёжларини доимо диққат марказида тутади.

Ҳозирги кунда сармояси ҳажми 811 млрд. сўмни ҳамда активлари 6,9 трлн. сўмни ташкил этаётган "Ўзмиллийбанк" мамлакатдаги энг катта ва етакчи банк ҳисобланади.

Банкнинг бир неча маротаба қатор нуфузли мукофотларни қўлга киритганлиги унинг етакчи молия муассасаси сифатида халқаро даражада эътироф этилганидан далолат беради. Хусусан, "Moody`s" ҳамда "Standard and Poor`s" халқаро агентликлари, шунингдек, Россиядаги энг катта "Эксперт РА" рейтинг агентлиги "Ўзмиллийбанк"ка рейтинглар бергани ва бу рейтингларни тасдиқлаганлиги мазкур банк томонидан ривожланиш стратегияси тўғри танланганини кўрсатади.

### Минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш

Республиканинг ташқи алоқалари изчил ривожланаётгани ҳамда халқаро ҳамкорлик амалиёти муваффақиятли юритилаётгани шарофати билан Миллий банк кўплаб халқаро банк муассасалари, ҳукумат ва жамоат ташкилотлари учун ишончли молиявий шерик сифатида мустаҳкам мавқега эга бўлди.

Миллий банк Хитой Давлат Тараққиёт банки билан икки йўналишда ҳамкорлик қилаяпти. Хусусан, биринчиси ШҲТ Банклараро бирлашмаси билан ҳамкорлик йўналиши бўлса, иккинчи йўналишга кўра, йирик молиявий институт сифатида салмоқли инвестициявий лойиҳаларни амалга оширмоқда.

2010 йилнинг июнь ойида ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари саммити доирасида Миллий банк билан Хитой Давлат Тараққиёт банки (ХДТБ) ўртасида 75 млн. АҚШ доллари қийматидаги кредит битими имзоланди. Бу маблағлар кичик бизнес инвестиция лойиҳаларини молиялашга йўналтирилган.

Миллий банк билан Корея Эксимбанки ўртасида қарз битими имзоланганлиги Ўзбекистон Республикасида халқаро инвесторларнинг фаоллиги кучаяётганлигининг яна бир далили бўлди.

Умумий қиймати 50 млн. АҚШ долларини ташкил этадиган ушбу қарз битими Жанубий Корея корхоналари билан биргаликда, "Навоий" ЭИИЗ ҳудудида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари молияланишини қўллаб-қувватлашга қаратилган. Бу эса, республикани иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

### Лойиҳаларни молиялаш

Ҳозирги вақтда Миллий банк умуммиллий аҳамиятга эга хўжалик объектлари ривожланишини молиялашда етакчилик қилмоқда. Чунончи, "Ўзмиллийбанк" "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси учун Ғарбда ишлаб чиқарилган замонавий ҳаво кемалари паркини яратишга қаратилган инвестиция лойиҳаларини молиялашда фаол қатнашаяпти. 2010 йил мобайнида Миллий банк томонидан умумий ҳажми 237,29 млн. АҚШ долларини ташкил этувчи кредит маблағлари берилди. Ҳозирги кунда авиакомпания томонидан "А-320-200" русумидаги 6 та самолёт қабул қилиб олинди ва ўрта масофали ҳаво йўлларида фойдаланишга муваффақиятли жорий этилди. Авиакомпания лойиҳа доирасида Миллий банк кўмагидан фойдаланиб, 2011 — 2016 йиллар мобайнида Ғарбда ишлаб чиқарилган яна 10 та самолётга эга бўлади.

Темир йўл транспорти тизимлари ривожланиши иқтисодиётдаги таркибий ўзгартишларда катта ўрин тутади. Мазкур йўналишда Миллий банк томонидан "Talgo-250" русумидаги (Испанияда ишлаб чиқарилган) иккита тезюрар электропоезд сотиб олиш учун 19 млн. евро ҳажмидаги кредит жалб этилди.

Электропоездлар сотиб олиш орқали "Тошкент — Самарқанд" йўналишида тезюрар темир йўл йўловчи транспортини ишга тушириш режалаштирилмоқда. Бундай қилиниши фаол бизнес алоқаларни, шу жумладан, сайёҳликни кенгайтириш, йўловчи ташиш бўйича юқори сифатли хизматлар кўрсатилишини таъминлаш, Самарқандга бориш ва у ердан қайтишда йўлга кетадиган вақтни камайтириш имконини беради.

Ёнилғи-энергетика комплекси ҳам Ўзбекистон саноатининг йирик тармоғи ҳисобланади. Хусусан, "Ўзбекэнерго" ДАК лойиҳалари доирасида Миллий банк Навоий иссиқлик электр станциясини модернизациялаб, 478 мВт қувватга эга буғ-газ қурилмаси, 313,6 мВт қувватга эга газ-турбина қурилмаси (электр энергияси) ҳамда 164,15 мВт қувватга эга буғ-турбина қурилмасини (иссиқлик энергияси) бунёд этиш лойиҳаси бўйича молиялаш ишларини бошлаган. Ҳозирги кунда мазкур лойиҳа бўйича 397,8 млн. евро ҳажмидаги молиялаш ишлари амалга оширилаётир.

Бундан ташқари, ҳозир "Қўнғирот" КСда газ қуритиш объекти қурилиши" ҳамда "Қамчиқ" довони орқали "Оҳангарон — Пунган" магистраль газ қувури ўтказиш" лойиҳалари бўйича молиялаш ишлари бошланган. Ушбу лойиҳаларнинг умумий кредит ҳажми 99,9 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

Республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган инвестиция лойиҳаларини молиялашда Миллий банк ғоят катта вазифаларни бажараётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Чунончи, банк томонидан Андижон вилоятидаги "Раиш-Хакент-1", "Улуғнор" ва "Гулбаҳор-1К" насос станцияларини реконструкциялаш лойиҳалари молиялаштирилмоқда. Мазкур лойиҳалар бўйича кредит эҳтиёжи умумий суммаси 58,1 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Бундан ташқари, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича умумий кредит эҳтиёжи 8,48 млн. АҚШ доллари бўлган лойиҳа молиялаштирилаяпти. Лойиҳалар амалга оширилиши ерларнинг мелиоратив ҳолатини анча яхшилаш имконини беради. Бу эса уларнинг унумдорлиги ва фойдаланиш самарадорлигида акс этади.

### Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш

Ушбу йўналишда Миллий банк томонидан бир қанча хорижий банклар ва халқаро молия муассасалари, республика бюджетдан ташқари жамғармаларининг кредит йўналишлари ҳамда банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан лойиҳаларни молиялаш ишлари олиб борилаяпти.

Хорижий кредит йўналишларининг маблағлари ҳисобидан лойиҳаларни молиялаш доирасида ҳозирги кунда Миллий банк томонидан умумий қиймати 591,3 млн. АҚШ доллари бўлган 253 та лойиҳа маъқулланди.

Хусусан, ИТБ йўналиши бўйича умумий қиймати 13,9 млн. АҚШ долларини ташкил этувчи 7 та лойиҳа, ХДТБ маблағлари ҳисобидан эса умумий қиймати 45,99 млн. АҚШ долларини ташкил этувчи 112 та лойиҳа молиялаштирилди.

Банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан хорижий валютада умумий қиймати 11,84 млн. АҚШ доллари бўлган 4 та лойиҳа молиялаштирилди. Хусусан, "Самарқанд парранда" паррандачилик фабрикаси учун янги ускуналар сотиб олишга, "Афросиёб мева" ҚҚдаги мева-сабзавотларни қайта ишлаш ускуналарини модернизациялаш ҳамда "Мергантекс" МЧЖдаги ускуналарни модернизациялаш ва қайта жиҳозлашга маблағ ажратилди.

Бундан ташқари, Миллий банк миллий валютада кредит фаолиятини олиб бораяпти. Хусусан, фақат 2010 йилнинг ўзида банк томонидан миллий валютада 355 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди. Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги 308-қарорини бажариш мақсадида 2010 йил мобайнида деҳқон ва фермер хўжаликларида қорамоллар сонини кўпайтиришга 6,2 млрд. сўм ажратилди.

### Инвестиция сиёсати

Ана шундай бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш натижалари Миллий банк юритаётган инвестиция сиёсатининг самарадорлигини тасдиқламоқда. Ҳозирги кунда банк ўзининг бутун саъй-ҳаракатларини ишлаб турган корхоналарни реконструкциялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янги қувватларни ишга тушириш лойиҳаларини молиялашга қаратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги "Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ушбу соҳадаги муҳим қадам бўлди. Мазкур Фармон корхоналарни молиявий соғломлаштириш ҳамда барқарор ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқариш ташкил этилишини такомиллаштиришга, ташқи ва ички инвестицияларни жалб этишга қаратилган.

Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестициялар янада кўпроқ олиб кирилишини рағбатлантириш мақсадида банк томонидан иккита шўъба инвестиция компанияси – "NBU Invest Group" ва "NBU Investment" компаниялари таъсис этилди. Иқтисодий қийинчиликларга дуч келган ишлаб чиқариш корхоналари самарали бошқарилишини, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарилишини ташкил этиш, шунингдек, инвесторларни излаб топиш ва уларга бу корхоналарни сотиш мазкур компанияларнинг бош вазифаси қилиб белгиланди.

Ҳозирги вақтда банк балансига қабул қилинган 44 та корхона фаолияти тикланиб, уларда ишлаб чиқариш бошланди. Хусусан, "Chinoz textile" МЧЖ ва "Oqsaroy Textile" МЧЖ каби тўқимачилик корхоналари, гилам ишлаб чиқарувчи "Xorazm gilamlari" МЧЖ, қувурлар ишлаб чиқарувчи йирик корхоналар — "Asia Pipeplast" МЧЖ ва "Sogdiana Pipeplast" МЧЖ, озиқ-овқат саноати корхоналари ҳисобланувчи "Azia Biskvit" МЧЖ ҳамда "Azia Ays" МЧЖ ва бошқалар шулар жумласидандир.

Иқтисодий ночор корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш, уларни модернизациялаш ва зарур айланма сармоя билан таъминлаш учун 64,1 млрд. сўм ҳажмидаги маблағлар йўналтирилди. Корхоналар томонидан 136,8 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, 43,2 млн. АҚШ доллари қийматидаги маҳсулот экспорт қилинди, 5825 тадан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Айни пайтда қабул қилинган мол-мулкни салоҳиятли мулкдорларга сотиш ишлари олиб борилаяпти.

Дадил ва жўшқин ривожланаётган Миллий банк мамлакат раҳбарияти олиб бораётган ислоҳотларни амалга оширишда фаол кўмаклашиб, профессионал молия муассасаси, ўз мижозларининг ишончли ҳамкори сифатида мустаҳкам обрў қозонди.

**«Ўзмиллийбанк» матбуот хизмати.** t

---

## Молия муассасаларида

**O'ZSANOATQURILISHBANK**

***Мамлакатимизнинг иқтисодий қудрати ва имкониятлари йилдан-йилга юксалиб бормоқда. Ўзбекистонда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида ҳам барқарор ўсиш суръатлари сақлаб қолингани, бу халқаро экспертлар томонидан тан олингани шундан далолат беради.***

# ИСТИҚБОЛЛИ, ИШОНЧЛИ ВА БАРҚАРОР

**Жаҳоннинг энг нуфузли "Fitch Ratings" ҳамда "Standard & Poor`s" халқаро рейтинг агентликлари "Ўзсаноатқурилишбанк" фаолиятини яна бир бор ана шундай юксак баҳолади.**

Дарҳақиқат, Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган тараққиётнинг "ўзбек модели" амалиётда ўзининг беқиёс самараларини бермоқда. Хусусан, изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли юртимиз банк-молия тизимида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Натижада бугунги кунда тижорат банклари мамлакатимиз иқтисодиётининг ажралмас қисмига айланиб, уларнинг кредитлаш ва инвестициялаш соҳасидаги фаолияти ишлаб чиқаришни кенгайтириш, республикамиз учун саноатнинг мутлақо янги тармоқларини ўзлаштириш, модернизациялаш ва қўшимча иш ўринларини яратиш имконини бермоқда. Бу борада, айтиш мумкинки, юртимиздаги энг йирик ва қудратли молиявий-иқтисодий муассаса — "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг ўзига хос ўрни бор.

Соҳа бўйича катта тажрибага эга бўлган мазкур банкнинг бутун фаолияти омонатчилар, мижоз ва акциядорларининг манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга, иқтисодиётда бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришга қаратилгани эътиборга сазовордир. Жумладан, 2011 йил 1 январь ҳолатига кўра, банкнинг низом жамғармаси 123,7 миллиард сўмни ташкил қилди. Жами кредит қўйилмалари 1 триллион 424 миллиард сўмдан ошиб, умумий активлар ҳажми эса 2 триллион сўмга тенг бўлди. Бундай жадал ўсиш, табиийки, бир миллион нафар мижозга намунали хизмат кўрсатиш имконини бераётир. Бунга ҳавас қилса арзийди, албатта.

Яқинда жаҳоннинг энг нуфузли "Fitch Ratings" ҳамда "Standard & Poor`s" халқаро рейтинг агентликлари томонидан "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг самарали фаолияти таҳлил этилиб, яна бир бор истиқболли, ишончли ва барқарор молия муассасаси сифатида эътироф этилгани фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, дунёнинг йирик молия бозорларида ҳануз давом этаётган глобал инқироз кўплаб мамлакатлар иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатаётган бир пайтда юртимиз тижорат банкларининг халқаро миқёсда шундай юқори баҳога сазовор бўлиши, айниқса, эътиборлидир. Бу, энг аввало, мамлакатимиз Президентининг банк тизимига бўлган алоҳида эътибори, уни янада ривожлантириш бўйича билдирган ғоя ва ташаббуслари натижаси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Қолаверса, Ўзбекистонда ривожланиш ва модернизациялашнинг танланган ўзига хос модели ўтган давр мобайнида ўзини тўлиқ оқлади. Ислоҳотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш йўли, яъни "Янги уйни қурмасдан, эскисини бузманг", деган ҳаётий тамойилга таянилгани, парокандалик ва бошбошдоқлик таъсирига тушиб қолмаслик учун давлат бош ислоҳотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олганлиги иқтисодий юксалишимизда муҳим омил бўлди. Ҳозир мамлакатимизда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими янада барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар, зарур ресурслар яратилгани эса, ўз навбатида, соҳанинг янада тараққий топишига хизмат қилади.

Бугунги кунда "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг 43 та филиали, 100 га яқин минибанки, 174 та жамғарма, 150 га яқин махсус кассаси ва бошқа шохобчалари ишлаб турибди. Айниқса, ташаббус кўрсатиш, янгиликка интилиш, яратиш, изланиш, тезкорлик ана шу нуқталарда ишлайдиган ҳар бир ходимнинг қатъий иш услубига айлангани аҳамиятлидир. Банк жамоасининг иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, янгилаш, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш борасида олиб бораётган фаолияти унинг салоҳиятини янада оширмоқда. Бир мисол. Ўтган йил якунларига кўра, банк томонидан 21 та йирик саноат корхонасига 298 миллиард сўм эквивалентида хорижий валютада инвестициявий кредит маблағлари ажратилди. Бундан ташқари, банк мавжуд корхоналарнинг тўлиқ қувват билан ишлаши учун уларни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш орқали замонавийлаштириш мақсадларига хорижий инвестицияларни жалб этмоқда. Айни кунларда ҳам бу жараён изчил давом эттирилмоқда.

> ***"Янги уйни қурмасдан, эскисини бузманг" деган ҳаётий тамойилга таянилгани, парокандалик ва бошбошдоқлик таъсирига тушиб қолмаслик учун давлат бош ислоҳотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олганлиги иқтисодий юксалишимизда муҳим омил бўлди.***

Шу билан бирга, банк жамоаси қурилиш, кимё ва машинасозлик саноати, иссиқлик энергетикаси корхоналари, нефть-газ, иқтисодиётнинг реал секторидаги бошқа корхоналар билан ўзаро муносабатларни ривожлантиришга ҳам устувор аҳамият бермоқда. Айни чоғда республика ҳукуматининг қарори асосида у ўз маблағлари ҳамда жалб қилинган маблағлар ҳисобига имтиёзли тарзда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш бўйича кўплаб лойиҳаларни рўёбга чиқармоқда. Ўтган йили кичик бизнес субъектларига ажратилган 228,1 миллиард сўмлик кредитлар эвазига 6 мингга яқин иш ўрни яратилгани бунинг тасдиғидир.

Умуман, якунланган йилда мазкур молия муассасаси юртимиз иқтисодиёти учун 1 триллион сўмга яқин кредит ажратгани нафақат корхоналарнинг юксалиши, балки халқимиз фаровонлиги ва турмуш даражасини ошириш йўлида муҳим аҳамият касб этмоқда. Исботми? Банк томонидан Деҳқонобод калий ўғитлари корхонаси қурилиши лойиҳасининг молиялаштирилиши натижасида минтақада йилига 200 минг тонна шундай маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган қудратли корхона вужудга келди. Бу ерда яна минглаб янги иш ўринлари яратилишини айтмайсизми?! Қолаверса, ушбу корхона мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ўта зарур бўлган маҳсулот билан таъминлабгина қолмай, балки мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ҳам мустаҳкамлайди.

Маълумки, бугунги кунда бутун жаҳонда нақд пулсиз чакана тўловлар тизимида пластик карточкалар ўз афзаллигини кўрсатмоқда. Негаки, у ҳисоб-китоб қилишда, нақд пул айланишини камайтиришда ва хизмат кўрсатиш харажатларини қисқартиришда, пул маблағларини сақлаш ва фойдаланиш хавфсизлигини таъминлашда беқиёс устунликларга эга. Шу боис бу соҳада ҳам катта тажриба тўплаган "Ўзсаноатқурилишбанк" томонидан муомалага чиқарилган пластик карточкалар аҳоли ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар орасида тобора оммалашиб бормоқда. Бу усулни ҳаётга изчил татбиқ этиш ишлари эса жадал давом эттирилмоқда.

Маълумот ўрнида шуни айтиш зарурки, банк пластик карточкаларни муомалага чиқариш ва у орқали мижозларга хизмат кўрсатишни 2000 йилда бошлаган эди. Орадан икки йил ўтгач, VISA халқаро ассоциациясига аъзо бўлган ушбу молия муассасаси ҳозирги кунгача ана шу хизмат турини тақдим этиб келмоқда. 2011 йил 1 январь ҳолатига кўра, 840 мингга яқин "Visa electron" ва "Visa classic" пластик карточкалари муомалага чиқарилгани, жойларда жами 4239 та, жумладан, савдо шохобчаларида 3973 та, жамғарма касса ва минибанкларида 229 та терминал ҳамда 20 донадан ортиқ банкомат ўрнатилгани бунга мисол бўла олади.

Айни кунларда "Ўзсаноатқурилишбанк" томонидан аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга 50 дан зиёд анъанавий ҳамда замонавий банк хизматлари кўрсатилмоқда. Йирик инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этишдан тортиб, қимматли қоғозлар билан боғлиқ амалиётлар, халқаро пул кўчириш дейсизми ёки янги омонат турларини тарғиб қилишми — барча хизмат турлари бўйича у ўз етакчилигини мустаҳкамламоқда. Бундан ташқари, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринларини яратиш, ёш оилаларни тураржойлар билан таъминлаш, истеъмол ва таълим кредитларини ажратиш — тадбиркорлигу касаначиликни ривожлантиришда ҳам банкнинг муносиб ҳиссаси бор.

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида ҳам "Ўзсаноатқурилишбанк" жамоаси ўз ресурс базасини шакллантириб, капиталлашув даражасини янада ошириш, тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш, инвестициявий фаолиятни кенгайтириш орқали барқарор ривожланишга эришиб, мамлакатимиз иқтисодиётининг янада равнақ топишида камарбаста бўлаверади.

**Фурқат САНАЕВ.** t

---


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**«Ўздавэнергоназорат» инспекцияси**

[illegible]

**«Очиқ эшиклар куни» ва «Ишонч телефонлари» ҳақида МАЪЛУМОТ**

| Т/р | Инспекция бўлимлари | «Очиқ эшиклар куни» манзили* | Ишонч телефонлари** |
|---|---|---|---|
| 1. | «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси | 100000, Тошкент шаҳри, [illegible] | (8-371) 233-02-86 |
| 2. | Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлими | 230 [illegible], Нукус шаҳри, [illegible], 1-уй | (8-361) 224-20-89 |
| 3. | Андижон вилояти ҳудудий бўлими | 170 [illegible], Андижон шаҳри, [illegible] | (8-374) 224-42-15 |
| 4. | Бухоро вилояти ҳудудий бўлими | 2065 [illegible], Бухоро шаҳри, [illegible], 2-уй | (8-365) 225-21-80 |
| 5. | Жиззах вилояти ҳудудий бўлими | 130 [illegible], Жиззах шаҳри, [illegible] | (8-372) 223-57-85 |
| 6. | Навоий вилояти ҳудудий бўлими | 210600, Кармана шаҳри, [illegible], 5-уй | (8-436) 224-04-86 |
| 7. | Наманган вилояти ҳудудий бўлими | 160 [illegible], Наманган шаҳри, [illegible], 5-уй | (8-369) 226-79-84 |
| 8. | Самарқанд вилояти ҳудудий бўлими | 140400, Самарқанд шаҳри, [illegible] | (8-366) 222-56-75 |
| 9. | Сирдарё вилояти ҳудудий бўлими | 120 [illegible], Гулистон шаҳри, [illegible], 64-уй | (8-367) 225-12-80 |
| 10. | Сурхондарё вилояти ҳудудий бўлими | 190 [illegible], Термиз шаҳри, [illegible], 10-уй | (8-376) 227-25-51 |
| 11. | Тошкент вилояти ҳудудий бўлими | 100000, Тошкент шаҳри, [illegible], 1-уй | (8-371) 233-36-86 |
| 12. | Фарғона вилояти ҳудудий бўлими | 150 [illegible], Фарғона шаҳри, [illegible], 3-уй | (8-373) 224-81-54 |
| 13. | Хоразм вилояти ҳудудий бўлими | 220 [illegible], Урганч шаҳри, [illegible], 38-уй | (8-362) 227-11-80 |
| 14. | Қашқадарё вилояти ҳудудий бўлими | 180117, Қарши шаҳри, [illegible], 58-уй | (8-375) 225-57-28 |
| 15. | Тошкент шаҳар бўлими | 100000, Тошкент шаҳри, [illegible] | (8-371) 233-29-77 |

* [illegible]
** [illegible]



**«Республика кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Сирдарё вилояти филиали**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан, Фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилояти судининг 2010 йил 12 мартдаги ижро варақасига асосан, олинган кредит қарзини ундириш эвазига хатланган, Гулистон шаҳри, Гулистон кўчаси, 4-мавзеда жойлашган 1507,93 кв.м. ер майдони, умумий қурилиш майдони 1200,6 кв.м. ва фойдаланиш майдони 1122,07 кв.м. бўлган «Шарофат она» тўйхонаси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 371.652.063 сўм.

**Аукцион савдоси 2011 йил 22 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.**

Ушбу савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Сирдарё вилояти филиалининг ДТ «Халқ банки» Сирдарё шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000800571452122, МФО: 00760, СТИР: 200933850.

**Манзил: Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, 3-мавзе, Бизнес маркази биноси. Телефонлар: (8-367) 226-28-93, 226-38-91.**

Лицензия: [illegible]


Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси жамоаси Бухоро вилояти Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси раиси

**Султон ДАВРОНОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзэлтехсаноат" уюшмаси жамоаси Ишлар бошқармаси бошқарувчиси Ёркин Шараповга падари бузруквори

**Эркин ШАРАПОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**Халқ сўзи — Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 103. 73650 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.50 Топширилди — 22.40 1 2 3 4 5